

Куёв танлаш



07:10 / 19.07.2019 2913

Нух ибн Иброҳим қизини турмушга бермоқчи бўлиб, мажусий қўшнисидан маслаҳат сўради. Қўшниси: «Во ажабо! Ҳамма сендан маслаҳат сўрайди, сен бўлса мендан маслаҳат сўраяпсанми?!» деди. Нух: «Менга маслаҳат керак-да», деди. Мажусий: «Форс подшоси Кисро мол-дунёни танлар эди. Рум подшоси Қайсар гўзалликни танлар эди. Араб раислари насл-насабни танлар эди. Сизларнинг йўлбошчингиз Муҳаммад динни танлар эди. Кимга эргашишни ўзинг танла», деди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан